



# ХАВАР

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган • 1998 йил, 31 июль 30 (310) • Сотувда нархи эркин

Тошкент шаҳар давлат алоқа назорати томонидан жорий йилнинг олти ойи мобайнида текширувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши билан келишилган режа асосида ўттиз учта корхонада текшириш ишлари олиб борилди. Шунингдек, 30 та лицензиантнинг 42 та лицензияси бўйича лицензия келишуви шартлари қандай бажарилиши текширишдан ўтказилди.

## ҲАМЖИҲАТЛИК — МУВАФФАҚИЯТ ОМИЛИДИР

Текширишларда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Ташки иқтисодиёт фаолият миллий банки, «SITA» давлатларо авиация алоқа жамияти, «Пердка» халқаро хайрия жамияти, «Globalnet» ва «Компьютер коммуникацияси» масъулияти чекланган жамияти каби корхоналар лицензиясиз фаолият кўрсатаётганлиги маълум бўлди. Еки бўлмаса Электромангнит мослашув маркази (ЭМММ)дан рухсатнома олмасдан радиоэлектрон алоқа воситаларидан фойдаланган эътида юридик шахс аниқланди.

Ҳар бир ишнинг ўз қонунқоида, тошу тарозиси бўлади. Мана шу қонунқоидалар амак қилингандагина ишда маълум бир натижаларга эришиш мумкин. Аммо баъзи бир корхоналар бу қоидаларга амал қилмапти. Масалан, пойтахтимиздаги «Шоҳ Бобур» кўп тармокли ишлаб чиқариш тижорат фирмаси, «Дилдораф» хусусий фирмаси, «Резонанс Люкс», «Стожари» масъулияти чекланган жамиятлари ва «Истлинка компания ЛТД» корхоналари ЭМММдан олган рухсатномаларнинг мuddати ўтиб кетса ҳам баймайлоти фаолият кўрсатиб келган. Тошкент шаҳар давлат алоқа назоратининг ходимлари бу камчиликни аниқлашгандан сўнггина мазкур корхоналар тегишли рухсатнома олишга киришдилар. «КАМАЛАК-ТВ» ўзбек-америка қўшма корхонаси, «ДЭУ сентрал пейжинг» компаниясининг шуъба корхонаси, «Джара» хусусий тижорат ишлаб чиқариш фирмаси, В.Н.Сивец номли авиасозлар маданият ва техника саройи, «Шоҳ Бобур» кўп тармокли ишлаб чиқариш тижорат фирмаси, «Резонанс Люкс», «Стожари» масъулияти чекланган жамиятлар, жами 16та корхоналарнинг айрим алоқа воситалари ва кабель махсуотларига сертификати йўқлиги аниқланди. Давлат алоқа назорати ходимларининг кўрсатмаларидан сўнг «ДЭУ сентрал пейжинг» компаниясининг шуъба корхонаси, «КАМАЛАК-ТВ» қўшма корхонаси, В.Н.Сивец номли авиасозлар маданият ва техника саройи, «Резонанс Люкс» масъулияти чекланган жамият, «Шоҳ Бобур» кўп тармокли ишлаб чиқариш тижорат фирмаси тегишли рухсатнома олишди.

Тошкент шаҳар давлат алоқа назорати ходимлари «Тош-

кент шаҳар телефон тармоғи» хиссадорлик жамияти ва унинг филиаллари абонентларидан Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигига тушган 18 та шикоят хатини ўрганиб чиқишди ва 14 та шикоятни асосли деб топилди. «Тошкент почтамити» хиссадорлик жамиятининг Мирзо Улугбек, Чилонзор, Шайхонтохур туманларо филиалларида ҳам текширишлар ўтказилди. Чилонзор туманларо филиалининг 161-алоқа бўлими текширилганда 55-шакл дафтарини юритишда ўчириб ёзиш, қороз ёпиштириш ҳоллари мавжудлиги, почта жўнатмаларининг алмасув ҳисоботи кунма-кун юритилмаслиги, статистик ҳисобот назорати режасини бажариш йўриқномасининг иккинчи боби бузилганлиги аниқланди. Шайхонтохур туманларо филиалининг 19, 21-алоқа бўлимларида 55-шакл дафтарларида ўчириб ёзиш ҳолати, 34, 57, 159, 175-алоқа бўлимларида 130-шакл кундалик дафтарлари ҳам ўчириб ёзилгани, қороз ёпиштирилгани маълум бўлди. 21, 34, 159-алоқа бўлимларида шошилинчомалар эгаларига ўз назорат мuddатидега етказилмасдан, телеграф хизмати қоидаларида белгиланган талаблар бажарилмаган. Мазкур Шайхонтохур туманларо филиалининг почта ташиш машиналари «Почта қоидалари»нинг 514-банди талаби асосида жиҳозланмаган.

Хуллас, ўтган олти ой текширишлари давомида кўплаб камчилик ва хатолар аниқланиб, тегишли кўрсатмалар берилди, тақлифлар билдирилди. Беайб парвардигор. Иш бор жойда хато ва камчилик бўлади. Давлат алоқа назорати ходимлари фақат нуқсонларни аниқлашмасдан, балки ана шу камчиликларларни бартараф этишда ҳам корхоналар билан елкадош бўлишлари зарур. Ҳамжиҳатлик олиб борилган ишларнинг самараси, натижаси ҳам қатта бўлади. Тошкент шаҳар давлат алоқа назорати ходимлари мана шунга яхши англаб, ҳаракат қилишмоқда.

**Ашурбой РЎЗМЕТОВ,**  
Тошкент шаҳар давлат алоқа назорати бошлиғи,  
**Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ,**  
«ХАВАР»нинг махсус мухбири

## НАЙМАН ҚИШЛОФИДА АТС ИШЛАМОҚДА

«ХАВАР» газетасининг 1998 йил, 10 июль 27-сонидега чоп этилган «Ранжнома» руқидеги «Телефонимиз қачон яхши ишлайди?» сарлавҳали шикоят хати юзасидан «Сирдарё телеком» хиссалдорлик жамияти маъмурияти текширув ўтказди. Шикоят хатида кўтарилган масалалар атрофида ўрганилди. Найман қишлоғидеги телефон станцияси 1976 йили қурилган, у шикоятда айтилганидек, жуда эскирган эмас, 1986 йили янги координат турдаги АТСга алмаштирилган. Жорий йилнинг баҳори серёғин бўлгани боис, Дехқонобод ширкат ҳўжжидеги

АТС бивоси томидан сув ўтган, натижада станция тўқик қувват билан ишламаган. Шу сабабли ҳам шикоят хати муаллифи Давронбек Халилбековнинг 15-263 рақамли телефони яхши ишламаган. Бутунги қунда унинг телефони АТС мутахассислари томонидан қайта таъмирланди ва бир меъёрда ишлаб турибди.

1996 йил, сентябрда Жанубий Кореянинг ДЭУ фирмаси билан ҳамкорликда вилоятнинг бешта шаҳарларида рақамли электрон станциялар бунёд этилиб, нига туширилган эди. Шундан сўнг вилоят марказидеги электрон рақамли станция туман марказидеги

### Расмий жавоб

АТСлар билан боғловчи мосламали қурилмалар ёрдамида уланди. Шикоят хатида тилга олинган АТС туман маркази билан боғловчи линия орқали ишлаб турибди. Шикоятни ўрганиш юзасидан тузилган гуруҳ фуқаро Д.Халилбековнинг ҳонадовидан бир неча бор туман ва вилоят марказига телефон қилиб, боғловнига муяссар бўлди. Бундан кейин ҳам ушбу қишлоқ телефонларининг ишлаши бизнинг қатъий назоратимизда бўлади.

**Абдуғофур ХОТАМОВ,**  
«Сирдарё телеком»  
Ҳўжнинг электралоқа бўлими бошлиғи, «ХАВАР» газетасининг жамоатчи мухбири

## ҲАММАСИ ЛОЙИХАДАН БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Алоқа лойиҳалаш институти ташкил топганига 40 йил тўлди

Ўзбекистонда ягона алоқа лойиҳалаш институти 1958 йил, 4 июлда ташкил этилган. Институти соҳанинг техник ҳамада иқтисодий сиёсатини белгилувчи алоқа иншоотлари лойиҳаларини тайёрлаш ва уни корхоналар томонидан амалга оширишни таъминловчи истикболли ҳўжжатлар яратиш билан шуғулланади.

Ўтган 40 йил мобайнида институти томонидан алоқа қурилиш иншоотлари учун уч мингдан ортиқ лойиҳа-смета ҳўжжатлари тайёрланди. Институтида 1997 йили лойиҳа қидирув ишлари ҳажми 72151381 сўмлик (60та иншоот бўйича), 1998 йили 45та иншоот бўйича 30592331 сўм ҳажмида лойиҳа қидирув ишлари бажарилди. Институти лойиҳалари бўйича қурилган алоқа иншоотлари бутун МДХ давлатлари ҳудудидега — Камчаткадан то Сахалинга, Коль ярич оролидан то Карелия ва Болтиқбўйигача ишлаб турибди. Бу радиоалоқа ва радиоэштиртириш, коинот алоқаси, алоқа станция мажмуи каби қўшма алоқа иншоотларидир. Сўбик Иттифоқ тарқалиб кетгач, бутун қуч жонажон республикамизда алоқа соҳасини ривожлантиришга қаратилди.

Сўнгги йилларда республикамизда қуриб фойдаланишга топширилган бир қатор алоқа кабель линиялари, электрон АТСлар, шаҳарларо йўлдош алоқаси, Тошкент шаҳрида уя-

ли телефон алоқаси, АТСларни етти рақамликка ўтказиш, пойтахтимиздаги АТСлар «транспорт ҳалқаси» ва Транс-Осиё Европа кабель магистралаи каби алоқа иншоотлари институти лойиҳалари асосида бажарилди. Шу қунларда УЗАЛИ лойиҳалари асосида ишла талаби алоқа линиялари бўйича Тошкент-Ангрен, Бўхоро-Нукус, радиорелели линияларини таъмирлаш борасида Ангрен-Фарғона ҳамда радиорелели линиялар бўйича Самарқанд-Қарши йўналишларида бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда.

Институти Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги ҳамада Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари Маркази билан Ягона автоматлаштирилган алоқа тизими ва алоқа тармоғини стандартлаштириш бўйича меъёрий ҳўжжатларни тузиш юзасидан асосий ҳўжжатларини ишлаб чиқишда доимо ҳамкорлик қилиб келмоқда.

1992 йил, 26 сентябрда институтида Вашингтонда жойлашган Халқаро реконструкция ва ривожланиш банкидан банк бўлими раҳбари жаноб Жим Ковье ҳамда шу банкнинг телекоммуникациялар бўйича муҳандиси жаноб Скофье ташриф буюриб, институти фаолияти ва шу ерда яратилган лойиҳалар билан танишдилар. Улар институти мутахассислари томонидан алоқа иншоотларини лойиҳалаш бўйича улкан тажриба тўплан-

ганлигини алоҳида таъкидлашди.

Институти вазибаларидан яна бири алоқа иншоотлари қурилишининг мuddатлари ва қийматини қамайтириш, иш сифатини оширишга қаратилган намунавий лойиҳалар ҳамда бошқа намунавий ҳўжжатлар ишлаб чиқишдир. Лойиҳа замонавий алоқа техникасини ҳисобга олган ҳолда тайёрланади. Бунинг учун институти мутахассислари ўз билимларини доимо ошириб бориб, хорижий фирма вакиллари ёрдамида илғор алоқа техникасини яқиндан ўрганишмоқда.

Хозирги вақтда УЗАЛИ Германиянинг «Simens», Япониянинг «NEC», «NTT», «МИЦУИ» Жанубий Кореянинг «ДЭУ Телеком» фирмалари билан ҳамкорликда ишлаяпти.

Айни пайтда институти мутахассислари Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилгача телекоммуникация тармоғини барпо этиш муаммоси устида иш олиб боришяпти. «Бўхоро нефтни қайта ишлаш мажмуи» бўйича эса ишларни ниярсигага етказишди.

Бутунги қунда юртдошларимиз мустақиллик байрамига тайёрғарлик кўрмоқда. Ўзбекистон Алоқа лойиҳалаш институтининг ахил жамоаси ҳам режадаги ишларни ўз вақтида бажариб, байрамни муносиб қутуб олишга ҳаракат қилмоқда.

**Берди ИСМОИЛОВ**

## ОЛАМДА НИМА ГАП?

• Янгиликлар • Воқеалар • Хабарлар

• Ўзбекистон Республикаси Президенти «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонга имзо чеқди.

• Ўзбекистон Республикаси Вазирил Маҳкамаси «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини тақомиллаштириш тўғрисида» қарор қабул қилди.

• Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон парламентининг Раиси Э.Халилов бошқарди.

• Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳрида Марказий Осиё давлатлари, БМТ ва ядро қурулгига эга мамлакатлар — Буюк Британия, Хитой, Россия, АКШ ҳамда Франция экспертларининг маслаҳатлашуви

уршуви бўлиб ўтди.

• Грознийда Чеченистон Президенти Аслан Масҳадовга уюштирилган суиксид иши юзасидан тергов давом этимоқда. Аслан Масҳадовга суиксидда гуноҳ қилинган яна бир неча киши ушланди.

• 61 ёшли Кэйдзо Обути Япония ҳўкморн либерал-демократик партиясининг етакчиси этиб сайланди. Биринчи Босқичда у 414 имкониятдан 225 та овоз олди.

• БМТ дипломатия конференциясининг қарори билан иркий ва харбий жиноятларда айбланган шахсларни таъқиб қилдиган Халқаро жиноий суд тасис этилди.



Ассалому алайкум, онажон! Согу саломатмисиз? Мана, бугун яна Сизни соғиниб хат ёзганман. Ҳар доим уйдан ўқишга қайтаётганимда пешонамдан ўпиб, «Ўғлим, Тошкентга борганингдан сўнг, албатта яхши етиб олганинг ҳақида хат ёзиб юборгин, ҳўпми!? Бўлмаса, мен хавотир олиб ухломмай чиқаман, жон ўғлим», — деб тайинлайсиз. Мен эса сизга ваъда бераману, лекин шаҳарга келгач, бу ваъдам ёдимдан кўтариллади. Фақатгина орадан анча вақт ўтгач, тўғрироғи бошимга бирорта ташвиш тушиб қолгандагина сизни соғиниб қоламан. Сизнинг муноси чехрангиз кўз ўнгимда гавдаланади. Негадир бу чехра менга маъюс боқиб тураверади. Шундагина мени кузата туриб қилган насихатларингиз, кўзингиздаги ёшни зўрға тийиб, пешонамдан ўпиб қўйганингиз бирма-бир ёдимга тушади. Ана шундагина сизга хат ёзиб юбормаганимни эслайман. «Яхшиямки, дунёда соғинч деган ҳиснинг борлиги, бўлмаса мен каби бағри-тошлар ўзидан бошқа кимсани ўйламай қўйган бўлармиди?» — дея ўзимни койган бўламан. Кўнглим чексиз изтиробга тушиб беихтиёр шоирнинг қуйидаги сатрлари хотирамга келади:

...Қайтгим келди, онам,  
ёнингга,  
Юрагимни очиб гапир-  
там,  
Кам-кам бўлар менда  
бундай ҳол.

## ОНАМГА ХАТ



Шодмон юрсам, менинг онажон...  
ёдимга Мана, охириг маротаба уйга  
Сен тушмайсан, ростдан, борганимда ҳам Сизни ранжи-  
ўғлингиз **ҒАЙРАТ**

### • Дилнома

тиб қўйдим. Уша ўртоғимнинг тўйи билан овора бўлиб, Сиздан тузукрок ҳол-аҳвол сўрашни ҳам унутибман. Уйга эса бор-йўғи икки кунга борган эдим, холос. Ўртоқларим билан бўлиб, вақт жуда тез ўтиб кетганини сезмай ҳам қолибман. Уйга келсам, Сиз хафа бўлиш ўрнига ҳамма керакли нарсаларимни тайёрлаб қўйган экансиз.

Ҳаёт деганлари жуда мураккаб экан. Мен яхши эслайман.

Биринчи ва иккинчи курсларда ўқиётганимда Сизни жуда тез соғинардим. Лекин йиллар ўтган сари инсон ўз туғишганларидан анча-мунча узоклашаверар, дийдаси қотиб борар экан.

Онажон! Сиз бу гапларимдан асло ранжиманг, лекин мен кўнглимдагини яширмай ёзим. Зора, бу менинг қалбимга таскин-тасалли берса...

Оллоҳ таоло сизнинг умрингизни зиёда қилсин, онажон!

...Она, ранжимагил хатимдан,  
Мен ростини ёзим,  
шод дамим  
Сен тушмайсан асло эсимга.  
Аммо ҳаёт ўзи,  
биламан,  
Солар сени ёдимга бот-бот,  
Яъни бошимизни доим ҳам  
Она бўлиб силамас ҳаёт.

ўғлингиз **ҒАЙРАТ**

### • Мерос

Агар адолат ҳимоя қилинмаса, заиф ва кучли одамлар йўқолиб кетади. Модомики, заифлар қирилиб кетар экан, кучлилар ҳам омон қолмайди, чунки кишилар турмуши бири-бири билан ўзаро боғлиқ. Хулласи калом, халқнинг аҳволи адолатсиз яхшиланмайди.

Подшоҳ табибга, унинг қўл остидагилар эса беморга ўхшайди. Бемор табибга ўз аҳволини тушу-

Хусайн Воиз  
КОШИФИЙ

## АДОЛАТ, ҲАЁТ ВА МАТОНАТ ҲАҚИДА

тиришга интилади. Агар табиб бемор арзига эътибор бермаса, касалини билмаса, у ҳолда табиб касалнинг хусусияти ва сабабидан беҳабар уни қандай муолажа қилсин?!

Ҳаё ва андиша дунёда тартиб саклашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Ҳаё йўқолса, ҳеч кимда виждон ҳам қолмайди, у ҳолда дунёда тартиб бузилади, кишилар бир-бирига бефарқ қарайдиган бўладилар.

Сабот-матонат шундай қатъий ҳаракатки, у муҳим ишларни бажаришда бахтсизликлар ва кўнглисиз ишларни бартароф қилишга қодирдир. Дарҳақиқат, сабот-матонат фаровонлик ва бахт-саодат калитидир, муваффақият унинг натижасидир ва хавф-хатардан қутилишнинг асосидир.

Болага имкони борича яхши таълим-тарбия беришга интилиш лозим, токи у ижобий хислатларни ўзлаштирсин ва ярамас хатти-ҳаракатлардан ўзини муҳофаза қилсин.

### • Биласизми?

Биринчи газета Венецияда XVI аср бошларида пайдо бўлган. Бу ердаги маддоҳ ва жарчилар хабарларни оқ қоғозга тош босма билан босиб, бадий безаб сота бошлаганлар. Дастлаб бундай қоғозлар бир газетта — «бир танга» (Венеция пул бирлиги) турган. Бора-бора бу сўз оммалашиб, мазкур нашрлар газета номини олган.

1631 йили Т. Ренадо Францияда «Ла газетте»ни ташкил этади. Бу газета ўзига хос бўлиб, унда сиёсий хабарлардан ташқари миш-мишларгача, бадий ижоддан таъзияномаларгача босилган. Шундан кейингина газетага бўлган қизиқиш

## БОШҚОТИРМАНИНГ МУАЛЛИФИ КИМ?

### • Бу — қизик

1901 йилнинг 8 январь куни автомобиль ҳалокатининг айбодори ҳисобланган Виктор Орвилл уч йил озодликдан маҳрум этилди. Жазони Претория қамоқхонасида ўтказётган Виктор бўш вақтини қоғозга чизилган катакларга ҳарф ёзиш билан ўтказарди. Бир куни қараса, катакларга чизилган ҳарфлардан қандайдир сўзлар пайдо бўляпти.

Муаллиф ҳеч иккиланмай, ўзининг ўйлаб топган ўйинини маҳаллий йирк газеталардан бирига жўнатди. Хатжилд ичи-

га катакларига рақамлар ёзилган, бошқа томонига эса бошқотирманинг жавоби битилган қоғоз солинганди. Мухаррир бу янги ўйинни газетда чоп этишга қарор қилди. Орадан бир кун ўтгач, газета муштарийлари уч-тўрт ҳиссага ошиб кетса бўладими! Шундан кейин Орвилл қамоқдан янги-янги бошқотирмалар юбориб турди. Бошқотирманинг биринчи муаллифи қамоқдан озод бўлганида банкда уни 9 миллион доллар «кутиб турарди». Жанубий Африканинг Кейптаун шаҳридаги қабристонлардан бирида Орвилл қабри устида бошқотирма чизилган тош бор.

## ЯНГИ ЛАТИФАЛАР

Машхур жарроҳдан сўрашди:

- Одам кўричаксиз яшаши мумкинми?
- Одам яшаши мумкин, аммо жарроҳ яшай олмайди.

- Оилангизда энг кучли одам ким?
- Ойим.
- Нега?
- Чунки оиламизда фақат у киши ишлапти.

Ўн саккизга кирган йигитга отаси деди:

- Ўғлим, энди тамаки чекишинга рухсат бераман.
- Раҳмат, отажон, чекишни ташлаганимга уч йил бўлди.

Овдан қайтган эри хотинига деди:

- Хурсанд бўлавер, хотин, энди бир ойгача дўкондан гўшт олмайдиган бўлди.
- Вой, қандай яхши! Кат-

тароқ нарса отдингизми?  
— Йўқ, маошимни ичиб қўйдим.

Фирт маст эр эшикдан кирар-кирмас «гуп» этиб йиқилди. Хотини уни ўқлов билан савалай кетди:

— Яна ичасанми, аблаҳ?! Ичасанми?!

Эри зўрға кўзини очди:

- М-майли, озгина куй...
- Хуштор нима дегани?
- Эрнинг хўжалик ишлар бўйича муовини.

## ГАЗЕТА ҚАЧОН ПАЙДО БЎЛГАН?

куайиб кетади ва бирин-кетин англияда «Ньюспанер», Германияда «Зетинг», Францияда «Журнал де Пари» деб аталган газеталар ташкил топади.

Россияда биринчи бўлиб 1621 йили «Вестовые письма или Куранти» газетаси чиққан. Жаҳон андозасидаги талабларга жавоб берадиган росмана газета — «Ведомости» 1702 йили Пётр 1 томонидан ташкил этилган. XVIII аср охирида эса А. С. Пушкин томонидан «Литературная газета» ташкил этил-

ган. Мамлакатимизда эса матбуот XIX асрнинг иккинчи ярмида ташкил топди. 1870 йилдан Туркистонда китоб ва газета нашр этиш йўлга қўйилди. Дастлаб Тошкентда «Туркистонские ведомости», «Туркистон вилоятининг газети» каби нашрлар пайдо бўлди. «Туркистон вилоятининг газети» маърифатпарвар шоир Фурқат ва унинг сафдошлари томонидан ташкил этилган бўлиб, шоир ўзбек журналистикасининг ривожига улкан ҳисса қўшган.

### МУАССИС:

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бош муҳаррир:  
Шодмон ОТАБЕК

### ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдувоҳид ЖУРАБОВ  
Шухрат ЖАББОР  
Анатолий КУДИНОВ  
Иззат АҲМЕДОВ  
(Бош муҳаррир ўринбосари)  
Абдугани АБДУРАҲМОНОВ  
(Масъул котиб)  
Мирпўлат МИРЗО  
Рустам ҚОСИМОВ  
Қуролбой ТўЛЕБОВ  
Ёқубжон ХўЖАМБЕРДИ

### ЖАМОАТЧИЛИК

КЕНГАШИ:  
Бўриной АҲМЕДОВ  
Саидмахмуд АКБАРОВ  
Шохруҳ АКБАРОВ  
Меҳмонкул ИСЛОМҚУЛОВ  
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ  
Тоғай МУРОД

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.  
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 136-36-42, 136-35-29, 144-29-09.  
Факс: 136-36-42.  
ИНДЕКС: 64600  
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИКАДИ

Мухарририятга келган қўлёзмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.  
Рўйхатга олиш №000011. Буюртма №Г-0202. 8593 нусхада чоп этилди.  
Офсет усулида босилди.  
Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

«ШАРҚ» НАШИРЁТ-МАТБЕА КОНЦЕРНИ  
БОСМАҲОНАСИ.  
Корхона манзили:  
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Боснишга топширилди — 19.30  
Боснишга топширилди вақти — 21.00

123456

**Душанба 3**  
**ЎзТВ-1**

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00 — 8.40 «Тахлилнома». 8.40 «Ўзлик». Бадий-публицистик курсатув. 9.10 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига**. «Ўзбектеlevision» намойиш этади: «Нонинг бутун бўлсин, элим». 9.30 «Омад юлдузи». Телеуйн. 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар. 10.05 «Кино янгиликлари». 10.15 «Ўзбек киноси ижодкорлари». 10.35 **Мустақиллик оидмалари**. 10.40 «Дўст». Бадий фильм. 12.05 «Жаҳон спорти». 12.15 Ўзбекистон телерадиокомпанияси дурторчалар ансамблининг концерти. 12.45 «Оламга саяхат». Кинокўрсатув. 13.10 — 14.00 «Келин-куёв» Телешоу. \* \* \* 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.10 «Фарзанд — умид юлдузи». 18.25 «Сўхат-саломатлик». 18.45 Кекса санъаткорлар куйлайди. 19.05 «Таянч нуқтаси». 19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 21.30, 22.10 — Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 Биржа ва банк хабарлари. 20.05 Оқшом эртаклари. 20.30 «Ахборот». 21.00 «Иқтисод алифбоси». 21.35

**Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига**: «Диёрим Республикаси». Мусликий дастур. 22.15 «Мустақиллик оидмалари». 22.20 «Телевидение: томоша, томошабин» 22.45 Дижитал, премьераси: М. Бобоев. «Кўнгилик кўчалари». Видеофильм. 2-фасл. 31-қуй. 23.35 «Ахборот». 24.00 — 00.05 Ватан тимсоллари.

**ЎзТВ-11**

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 «Даракчи» (рус тилида). 18.15 «Ерилош». Мультфильм. 18.35 «Жаҳон урушларининг махфий архивларида». Телесериал. 19.05 «Ойдиндаги қадамлар». 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Туризм ҳақида». 20.20 «Мусликий лаҳзалар». 20.30 «Ахборот». 21.00 «Олтин мерос». 21.20 «Таггер». Телесериал. 22.10 «Кўзгу». 22.30 «Даракчи» (рус тилида). 22.40 Оханглар ва эълонлар. 22.45 Кинонигоҳ. «Бумеранг». 00.25 Тунингиз хайрли бўлсин!

**ЎзТВ-111**

17.15 Янгиликлар. «Россия жамоат телевидениеси 17.20—20.35 \* 20.35 Ўзлонлар. 20.40 «Англаш саныати». «Россия давлат телевидениеси 21.00—21.35 \* 21.35 «Тўпонача ушлаган одам». Бадий фильм. 23.05—23.25 «Ахборот» (рус тилида).

**ЎзТВ-1V**

17.10—18.45 **ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**\* 18.45 Кўрсатувлар тартиби. 18.50 «Мульттомоша». 19.05, 21.40 — Ўзлонлар. 19.10 «Морена Клара». Телесериал. 19.55 «Жаҳон». 20.15 «Чинор» видеоканали. «Ранг-гинкамон». «Дидар». 20.55 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига**. «Шурона». 21.00 «Намаст». 21.20 «Ҳамкорлик». 21.45 Кинематограф. «Четга оғаш ноль». 23.05 Спорт-тайм. 23.35—23.45 «Хайрли тун!».

**Сешанба 4**  
**ЎзТВ-1**

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00 — 8.25 «Ахборот». 8.25 Республика газеталарининг шарҳи. 8.40 «Дилрабо тароналар». 9.05 **Мустақиллик оидмалари**. 9.10 М. Бобоев. «Кўнгилик кўчалари». Видеофильм. 2-фасл. 31-қуй. 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар. 10.05 «Дона бобо даврасида». 10.25 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига**. «Ўзбектеlevision» намойиш этади: «Орузлар би сибар аёлнинг». 10.35 Янги алифбонинг ўрганамиш. 11.05 «Оламини асранг!». 11.20 Ракс, ракс, ракс. 11.45 «Шумтака». Мультфильм премьераси. 16-серия. 12.05 «Оила». Тележурнал. 12.35 — 14.00 Кундузги сеанс. «Нюфелет каерда?» Бадий фильм. \* \* \* 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.10 Болалар учун. «Парвоз». 18.30 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига**. «Ўзбектеlevision» намойиш этади: «Ўзбекистон дая аталур». 18.40 «Бозор рақобати — сифат кафолати». 19.00 «Куйла» җилгиими. 19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.35 — Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Автоолам». 20.05 Оқшом эртаклари. 20.30 «Ахборот». 21.00 «Саҳна ҳаёти». 21.30 «Ассадор». 22.00 Мустақиллик оидмалари. 22.05 «Гулар пайванди». Озода Ерова. 22.40 Дижитал премьераси: М. Бобоев. «Кўнгилик кўчалари». Видеофильм. 32-қуй. 23.20 «Ахборот». 23.45 — 23.50 Ватан тимсоллари.

**ЎзТВ-11**

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 «Даракчи». 18.15 «Ерилош». Мультфильм. 18.25 Евовий ҳайвонот олами. 19.05 «Болливудда

нигоҳ». 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Тақдим». 20.10 Мусликий меҳмонхона. 20.30 «Ахборот». 21.00 «Таггер». Телесериал. 21.50 Спорт-қитъаси. 22.20 «Даракчи». 22.30 Оханглар ва эълонлар. 22.35 Кинонигоҳ. «Рубога чиқиш». 00.15 Тунингиз хайрли бўлсин!

**ЎзТВ-111**

17.15 Янгиликлар. «Россия жамоат телевидениеси. 6.30—8.00 17.20—20.35 \* 20.35 «Хозирги ёшлар». Р. Қосимжонов. «Россия давлат телевидениеси 21.00—21.35\*21.35 Ўзлонлар. 21.40 «Тулпорлар». Манзарали фильм. 21.50 «Пойтахт». Публицистик курсатув. 22.20 Шарҳ киноси. «Лайли ва Махжун». Бадий фильм («Озарбайжонфильм»). 23.55—00.15 «Ахборот» (рус тилида).

**ЎзТВ-1V**

17.10—18.45 **ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**. 18.45 Кўрсатувлар тартиби. 18.50 «Мульттомоша». 19.05 «Тасвир». 19.25 «Солиқ ҳақида сабоқлар». 19.40 Телефакт. 19.50 Мусликий танафус. 19.55, 21.25 — Ўзлонлар. 20.00 «Муҳаббат тарихи». Телесериал. 20.45 Мусликий танафус. 20.50 «Туманларсиз Британия». 21.05 Хит-коллекция. 21.30 «Кувнок кино». 23.00—23.10 «Хайрли тун!».

**Чоршанба 5**  
**ЎзТВ-1**

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00 — 8.25 «Ахборот». 8.25 «Ўн саккиз ёшнинг дурдур». Мусликий дастур. 8.45 «Маърифат маскани». 9.00 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига**. «Ўзбектеlevision» намойиш этади: «Она шахрим — Ташкентим». 9.20 М. Бобоев. «Кўнгилик кўчалари». Видеофильм. 32-қуй. 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар. 10.05 Болалар учун. «Бир сиким тупрок». 10.30 «Алифбо сабоқлари». 11.00 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига**. «Жаҳоирлар бўстони». 11.30 «Дуртор ва танбур тароналари». 11.55 **Мустақиллик оидмалари**. 12.05 «Шумтака». Мультфильм премьераси. 17-серия. 12.20 «Аксардо». 12.50 Кундузги сеанс. «Колонна». Бадий фильм. 1-қисм. 14.10—14.30 «Ешлик студияси. «Сени Ватан кутади». \* \* \* 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.10 «Умид учкунлари». Тележурнал. 18.30 «Чемпион билан учрашув». 18.45 «Тилга эътибор». 19.05 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига**. «Истиклол қўшиқлари». 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Табий-тарбия миллий дастури — амалда». 20.05 «Оқшом эртаклари». 20.30 «Ахборот». 21.00 «Иқтисодий чорраҳаларида». 21.20 «Яхшилар ёди». Мазруф Қориев. 21.50 Мустақиллик оидмалари. 21.55 «Уйғонаётган фикр». 22.30 «Ўзбектеlevision» намойиш этади: «Ақбарнинг саргузашти». Кўп қисмли телевизион бадий фильм премьераси. 4-қисм. 23.05 «**ЕШЛАР**» телеканали: «Шу Ватанга бордур менинг керагим». «Эстрада ва ёшлар». 24.00 «Ахборот». 00.25 — 00.30 Ватан тимсоллари.

**ЎзТВ-11**

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 «Даракчи». 18.15 «Жаҳон халқлари эртаклари». 18.35 «Жосуслар». Ҳужжатли сериал. 19.05 «Дойче Велле» тақдим этади. \* 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Хонадон». 20.15 «Жозиба». 20.30 «Ахборот». 21.00 «Ғазал соғинми». 21.20 «Таггер». Телесериал. 22.10 «Даракчи». 22.20 Оханглар ва эълонлар. 22.25 Кинонигоҳ. 23.55 Тунингиз хайрли бўлсин!

**ЎзТВ-111**

16.35 Янгиликлар. 16.40 Болалар учун. «Эртанки чоршанба». Кинокўрсатув. Россия жамоат телевидениеси. 6.30—8.00 17.20—20.35 20.35 Ўзлонлар. 20.40 «Шоҳсула сари йул». Спорт дастури. Россия давлат телевидениеси. 21.00—21.35 21.35 «Кино сайёраси». Кинокўрсатув. 21.55 «Оқшом гўзаллари». Бадий фильм. 23.35—23.55 «Ахборот» (рус тилида).

**ЎзТВ-1V**

17.10—18.45 **ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**\* 18.45 Кўрсатувлар тартиби. 18.50 «Мульттомоша». 19.05, 21.45 — Ўзлонлар. 19.10 «Морена Клара». Телесериал. 19.55 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига**. «Шурона». 20.00 «Спорт-лотто». 20.10 Истиклол илҳомлари. «Шукулли



диёрим». 20.25 «Хуққ ва бур». 20.45 «Мезон». 21.05 «Автосалтанат». 21.15 «Дурларшун». 21.50 Олтин хазина. Саид Аҳмад. «Келинлар қўзғолони». А. Хидоятлов номидagi ўзбек давлат драма театрининг спектакли. 23.10—23.20 «Хайрли тун!».

**Пайшанба 6**  
**ЎзТВ-1**

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00 — 8.25 «Ахборот». 8.25 Республика газеталарининг шарҳи. 8.40 «Висолинг шайдо-симан». Мусликий дастур. 9.10 «Томчи». 9.25 «Ақбарнинг саргузашти». Кўп қисмли телевидион бадий фильм. 4-қисм. 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар. 10.05 «Инсон ва замин». Тележурнал. 10.30 «Олимпиаданичлар орамада». Спорт дастури. 10.45 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига**. «Ўзбектеlevision» намойиш этади: «Денов ва деновликлар». 11.05 «Халқ ижодиёти». 11.30 «Шоирлар — болаларга». 12.05 «Шумтака». Мультфильм премьераси. 18-серия. 12.20 Кундузги сеанс. «Колонна». Бадий фильм. 2-қисм. 13.30 «Хотира». Илҳом Ҳасан. 14.10 — 14.30 «Булғуннинг ўйлари». \* \* \* 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.10 Болалар учун. «Санъат гунчалари». 18.30 «Ҳиммат». 18.45 «Харита». Халқаро шарҳ. 19.00 **Мустақиллик оидмалари**. 19.05 «Хидоят сари». 19.25, 20.25, 20.55, 21.55 — Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Ўзмаюз». 20.10 «Оқшом эртаклари». 20.30 «Ахборот». 21.00 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига**. «Ватан мади». Мусликий дастур. 21.35 «Битти». 22.00 «Ўзбектеlevision» намойиш этади: «Ақбарнинг саргузашти». Кўп қисмли телевизион бадий фильм премьераси. 5-қисм. 22.40 «Сомон йўли». 23.40 «Ахборот». 00.05 — 00.10 Ватан тимсоллари.

**ЎзТВ-11**

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 «Даракчи» (рус тилида). 18.15 «Ерилош». Мультфильм. 18.35 «Бўш ўтирма». 18.55 «2000 йилдан сўнг». Телесериал. 19.15 Дилнавоз садолар. 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Бир ҳуфт қўшиқ». 20.05 «Табобат оламида». 20.30 «Ахборот». 21.00 «Одамлар орасида». 21.25 Мумтоз наволар. 21.55 «Даракчи» (рус тилида). 22.05 Оханглар ва эълонлар. 22.25 «Оилавий экран». «Автомобилдан сақланг!» 23.50 Тунингиз хайрли бўлсин!

**ЎзТВ-111**

17.15 Янгиликлар. «Россия жамоат телевидениеси 6.30 — 8.00 17.20—20.35 20.35 «Хорман уста» Телекурсул. Россия давлат телевидениеси 21.00—21.35 21.35 Ўзлонлар. 21.40 «Оқ халатдаги мафия». Бадий фильм. 23.15—23.35 «Ахборот» (рус тилида).

**ЎзТВ-1V**

17.10—18.45 **ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**\* 18.45 Кўрсатувлар тартиби. 18.50 «Мульттомоша». 19.05 «02» тўлқинида. 19.20 «Ракурс». Бадий-публицистик курсатув. 19.50 «Хамшаҳарлар». 20.15 «Лаззат». 20.35, 22.05 — Ўзлонлар. 20.40 «Муҳаббат тарихи». Телесериал. 21.25 «Хаммаси мода ҳақида». 21.45 «Мусликий Олимп». 22.10 Киносалон. 23.50—24.00 «Хайрли тун!».

**Жума 7**  
**ЎзТВ-1**

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00 — 8.25 «Ахборот». 8.25 «Муҳаббатим куйламан». Мусликий дастур. 8.50 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига**. «Ўзбектеlevision» намойиш этади: «Спорт байрами». 9.05 «Мен тугилган тупрок». Телеочер. 9.20 «Ақбарнинг саргузашти». Кўп қисмли телевизион бадий фильм. 5-қисм. 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар. 10.05 «Талаб ва тақлиф». 10.25 **Мустақиллик оидмалари**. 10.30 «Кичиктойимиз — гижингтойимиз». 10.50 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига**. «Остонаси тилодади». 11.15 Ўзбек куйларидан концерт. 11.45 «Шумтака». Мультфильм премьераси. 19-қисм. 12.05 «Сув сайли». 12.25

Кундузги сеанс. «Оцеола». Бадий фильм. 14.10 — 14.30 «Бармоқлар сеҳри». \* \* \* 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.10 «Олтин тож». Телевизион уйин. 18.30 «Фурмер». Телетанлов. 18.50 «Муҳлис ёхуд қўшиқ изидан...» 19.15 «**Мустақиллик бекати**». 19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 21.50 — Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Омонлик тилаймиз». 20.05 Оқшом эртаклари. 20.30 «Ахборот». 21.00 «Маърифатнома». 21.20 Мусликамиз хазинасидан. «Сиз соғинган оханглар». 21.55 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига**. «Юртим муъжизалари». 22.30 «Ахборот». «Мунаввар дунё» Дам-олиш дастури. 22.55 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига**. «Истиклол фидоийлари». 23.15 «Нақадар тоғли сўз — Озошлик» рукнида. «Хуррият». Бадий фильм. 1-серия (Туркия). 00.05 — 00.10 «Ватан тимсоллари».

**ЎзТВ-11**

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 «Даракчи». 18.15 «Бор эканда. йўқ экан». 18.40 «Довюрлақлар». Ҳужжатли сериал. 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Акс». 20.20 «Ар лаҳзада қўшиқ». 20.30 «Ахборот». 21.00 «Ийрик планда». 21.15 «Таггер». Телесериал. 22.05 «Даракчи». 22.15 Оханглар ва эълонлар. 22.20 Бокс. Бокс. Бокс. 22.35 Кинонигоҳ. «Компьютер даҳриси». 00.15 Тунингиз хайрли бўлсин!

**ЎзТВ-111**

16.55 Янгиликлар. 17.00 Болалар учун. «Би-нафша». «Россия жамоат телевидениеси 6.30—8.00 17.20—20.35 \* 20.35 Ўзлонлар. 20.40 «Телешоҳор». Тиббий маслаҳатлар. «Россия давлат телевидениеси 21.00—21.35\*21.35 Оскар совриндорлари: «Жаноб Кейн» (1941 йил). Бадий фильм. 23.30—23.50 «Ахборот» (рус тилида).

**ЎзТВ-1V**

17.10—18.45 **ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**\* 18.45 Кўрсатувлар тартиби. 18.50 «Мульттомоша». 19.05 «Ўтмишсиз келажак йўли». 19.25 «Наволарда янги этсам». 19.45 «Саломат бўлинг». 20.05, 21.50 — Ўзлонлар. 20.10 «Морена Клара». Телесериал. 20.55 «Уй останада болшанди». 21.20 Дурдаршан. 21.55 Кинематограф. «Мақбула», азизим, сукулим, ёлғизим». 23.00 «Араб Эстрадаси». 23.30—23.40 «Мунаввар тонг истаб...».

**Шанба 8**  
**ЎзТВ-1**

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00 — 8.25 «Ахборот». 8.25 Республика газеталарининг шарҳи. 8.40 «Бахт ва шодлик тароналари». Мусликий дастур. 9.00 «Шоҳруҳ клуби». 9.20 «Зиёрат». 9.30 «Шумтака». Мультфильм премьераси. 19-серия. 9.45 «Хайт сабоқлари». 10.15 «Ўзбектеlevision» намойиш этади: «Усуллар парвози». «ЕШЛАР» телеканали. 10.40 «Мулоҳаза, мунозира, муносабат». «Соғлом авлод учун». «Мен билган, билмаган дунё». «Ешлар куйлағанда». Мусликий дастур. 12.05 «Кафолат». 12.25 «Кизилқарли учрашувлар». Мақсуд Юнусов. 12.55 Кундузги сеанс. «ГАИ инспектори». Бадий фильм. 14.15 — 14.35 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига**. «Мазнавият». Бадий-публицистик курсатув. \* \* \* 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Болалар учун. «Фламинго». 18.20 «Хайрат». Бадий-публицистик курсатув. 18.40 «Бахтли воқеа». 19.25, 20.25, 20.55, 21.40 — Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Оқшом эртаклари. 20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида). 20.15 «Жаҳон спорти». 20.30 «Ахборот». 21.00 Санъат усталарининг концерти. 21.45 Мустақиллик оидмалари. 21.50 «Ўзбектеlevision» намойиш этади: «Ақбарнинг саргузашти». Кўп қисмли телевизион бадий фильм премьераси. 6-қисм. 22.25 «Ахборот». «Тунги ёғду». Дам олиш дастури. 22.50 «Нақадар тоғли сўз — Озошлик» рукнида. «Шероқат». Бадий фильм. (АҚШ). 01.50 — 01.55 Ватан тимсоллари.

**ЎзТВ-11**

7.55 Кўрсатувлар дастури. 8.00 «У ким бу нима?». 8.15 «Санта-Барбара». Телесериал. 9.00 «Сўз ва сўз оханглари». 9.35 «Лавжой». Телесериал. 10.20 Болалар экран. 11.35 «Мутюйба». 11.55 А. Навоий номидagi Ўзбек Давлат академик катта театри. Р. Леонавэллонинг «Павци» операси. 13.05 «Жозиба». 13.20 — 14.05 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал. \* 18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 «Даракчи». 18.15 «Боланинг тили». 18.30 Спорт-қитъаси. 19.00 «Қонун ҳимоясида». 19.15

**ЎзТВ-111**

17.15 Янгиликлар. «Россия жамоат телевидениеси 17.20—20.35 \* 20.35 Ўзлонлар. 20.40 «Англаш саныати». «Россия давлат телевидениеси 21.00—21.35 \* 21.35 «Тўпонача ушлаган одам». Бадий фильм. 23.05—23.25 «Ахборот» (рус тилида).

**ЎзТВ-1V**

17.10—18.45 **ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**\* 18.45 Кўрсатувлар тартиби. 18.50 «Мульттомоша». 19.05, 21.45 — Ўзлонлар. 19.10 «Морена Клара». Телесериал. 19.55 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига**. «Шурона». 20.00 «Спорт-лотто». 20.10 Истиклол илҳомлари. «Шукулли

«Мусликий лаҳзалар». 19.25—19.50, 20.25, 20.55 — Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Бизнес-академия». 20.10 «Дилрабо». 20.30 «Ахборот». 21.00 «Кўнгилик кўнгилига пайванд». 21.30 «Даллас». Телесериал. 22.20 ТВ ва театр. 22.40 «Даракчи». 22.50 «Бешинчи ўлов». 23.05 Оханглар ва эълонлар. 23.10 Кинонигоҳ. «Сир». 00.40 Тунингиз хайрли бўлсин!

**ЎзТВ-111**

17.55 Дастуринг очилиши. Ўзлонлар. «Россия жамоат телевидениеси 18.00 — 23.35ЎзТВ-1V.10.05 «Шанба эртаси». 11.15 «Спектаклдан сўнг». 11.40—12.10 «Кросс Родс» кафегага хуш келисиз!» (Инглиз тилида). 12.10 «Мульттомоша». 19.05 «Автомобиллар». 19.55, 22.15 — Ўзлонлар. 20.00 «Муҳаббат тарихи». Телесериал. 20.45 «Чин-сўз». 21.05 «5 дақиқа узим учун». 21.10 «Бу ажиб дунё». 21.30 «Ассалом, Франция». 21.55 «Хит-коллекция». 22.20 Киносалон. 24.00 — 00.10 «Хайрли тун!».

**Якшанба 9**  
**ЎзТВ-1**

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00 — 8.25 «Ахборот». 8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур. «ЕШЛАР» телеканали. 9.10 «Ич тейдодлар унар боғ». «Табият шифохонаси». «Ешлар матбуоти». Ватанимга хизмат қиламан!» «Гулдаста». «Мусликий дастур. 11.20 «Мезон». 11.35 «Ўзбектеlevision» намойиш этади: «Ақбарнинг саргузашти». Кўп қисмли телевизион бадий фильм. 6-қисм. 12.10 «Жавҳар». Публицистик курсатув. 12.30 Кундузги сеанс. «Императорнинг маҳфий фармони». Бадий фильм. 14.05 — 14.35 «Нурли келажак». \* \* \* 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Сени, шодий тур!» Мультфильм. 18.15 «Она, ха, ха». Хазил, ҳажвия, хангома. 18.40 «Кичик ҳақида уйлор». 19.00 «Ўзлик». Бадий-публицистик курсатув. 19.25, 20.00, 21.10 — Ўзлонлар. 19.30 «Тахлилнома» (рус тилида). 20.05 «Якшанба оқшомида». Мусликий дам олиш дастури. 20.30 «Тахлилнома». 21.15 **Мустақиллик оидмалари**. 21.20 Телевизион миниаторлар телесериали. 21.55 ТВ-1 намойиш этади: Телеанонс. 22.05 Спорт дастури: «Спорт. Спорт. Спорт». Футбол майдонларида. «Аср муъжизаси» кинодастур. 22.35 «Кино янгиликлари». 22.45 «Беғуноҳ». Бадий фильм. 1-2-серия. 01.15 — 01.20 Ватан тимсол